

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 10 октябрь, № 207 (8830) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ҚУЛАЙ ШАРОИТГА ЭГА МЕГАПОЛИСГА АЙЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 9 октябрь куни Тошкент шаҳрининг бош режаси лойиҳаси билан танишди.

Бугунги кунда шаҳар ҳудуди 43 минг 822 гектар, аҳоли сони 3 миллиондан зиёд. Келгусида бу миқёс янада ошиб бориши тайин. Шу боис Тошкент шаҳрининг 2045 йилгача бўлган даврга мўлжалланган бош режаси лойиҳалаштирилди.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги илк ишланмалар билан 2022 йилда танишган эди. Унда берилган кўрсатма ва тавсиялар асосида лойиҳа такомиллаштирилди. “Тошкентбошпланлити” корхонасида Сингапур, Буюк Британия, Туркия, Германия, Хитой ва Нидерландия компаниялари билан ҳамкорликда пухта иш олиб борилди.

Лойиҳага кўра Тошкент шаҳри ҳудуди 3 та зонага ажратилади. Консервация зонасида маданий мерос бинолари, тарихий жойлар, уйлар ва яшил ҳудудлар ўзгаришсиз қолади. Реконструкция зонасида мастер-режалар асосида қўшимча қурилишлар қилиш мумкин бўлади. Реновация зонасида эскирган уй-жой, бинолар ўрнида янги қурилишлар ва таъмирлаш амалга оширилади.

Бугунги кунда экология ва транспорт муаммолари долзарб бўлиб бормоқда. Хусусан, охирги ўн йилда Тошкентдаги ҳаво ҳарорати ўртача 1 даража кўтарилган. Баъзи кунларда атмосферадаги ифлослантирувчи моддалар меъёрдан ортиқ бўлмоқда. Автомашиналар ҳам кун сайин кўпайиб, йўл ҳаракати қийинлашиб бормоқда.

Шу боис янги бош режада бу масалалар инобатга олинган. Жумладан, Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги яшил ҳудудлар 3 карра кўпайтирилиб, 25 минг гектарга етказилиши белгиланмоқда. Бу орқали аҳоли жон бошига тўғри келадиган яшил майдон ҳозирги 3 квадрат метрдан 6 квадрат метрга ошади.

Шаҳарсозлик талабига кўра аҳоли ўз яшаш жойидан энг яқин боғча, мактаб, шифохона, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларигача кўпи билан 15 дақиқада етиб бора олиши керак. Шу боис жамоат транспорти тармоғи кенгайтирилиб, боғламлар ва бекатлар кўпайтирилади. Янги йўллар қурилиб, метробус йўналишлари ташкил этилади.

Сўнгги йиллардаги ўсиш натижасида Тошкентда электр энергияси, сув ва оқова инфратузилмаси юклама билан ишлаяпти. Бош режа лойиҳасида бу қувватларни ошириш манбалари ҳам ҳисоб-китоб қилинган.

Бош режа тасдиқлангач унинг хариталари Шаҳарсозлик кадастри геоахборот тизимида ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги веб-сайтида очиқ маълумот сифатида жойлаштирилади.

Мутасаддилар бош режанинг шу каби асосий кўрсаткичлари бўйича ахборот берди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрини камида 7,5 миллион одам яшаши ва ишлаши учун қулай шароитга эга йирик мегаполисга айлантириш зарурлигини таъкидлади. Тошкент вилоятининг Қибрай, Зангиота, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Тошкент туманларини пойтахт билан яхлит агломерация асосида ривожлантириш бўйича топшириқлар берди.

ЯНГИ АЭРОПОРТ БУХОРОНИНГ ТУРИСТИК ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 9 октябрь куни Бухоро халқаро аэропорти қурилишига оид тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда аэропортларни модернизация қилиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ўзида Шаҳрисабз, Қўқон ва Зомин аэропортлари ишга туширилди, Наманган ва Андижонда эса модернизация бошланди.

Аэропортлар бошқарувига хусусий сектор жалб қилинаётгани ҳам ўз самарасини беряпти. Хусусан, Самарқанд халқаро аэропорти хусусий бошқарувга берилиб, модернизация қилингач парвозлар ва йўловчилар сони 5 баробар ошган.

Шундай салоҳият Бухорода ҳам бор. Лекин у ердаги аэропорт аҳоли ва туристлар талабига жавоб бермаяпти. Мазкур аэропорт соатига 400 нафар ёки йилига 1 миллион йўловчига хизмат кўрсата олади холос. Бу — талабга нисбатан жуда паст.

Парвозларни бошқариш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш тизимлари, кутиш-кузатиш заллари эскиргани қатновларни кўпайтириш имконини чеклаяпти. Аксарият сайёҳлар Бухорога бориш учун Тошкент, Самарқанд ёки Урганч аэропортларига қўнишга мажбур бўляпти. Масалан, 9 ойда Бухорога ташриф буюрган 1 миллиондан зиёд хорижий туристларнинг 95 фоизи поезд ёки автомобилда борган.

Вилоятда меҳмонхоналар тармоғи, зиёрат туризми ривожланиб бормоқда. Келгуси уч йилда Бухорога туристлар оқимини 8 миллионга етказиш режа қилинган.

Шу боис жорий йил 31 майда Президентимизнинг вилоятга ташрифи чоғида Бухоро туманида янги халқаро аэропорт қурилиши бошланган эди. Давлат-хусусий шериклик асосидаги ушбу лойиҳа доирасида жаҳон стандартларига мос аэропорт ташкил этилади. Соатига 1 минг 200 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти яратилади. Йўловчи ва ҳаво кемаларига сервис сифатини ошириш орқали янги халқаро авиакомпаниялар жалб қилинади.

Тақдимотда лойиҳанинг техник-иқтисодий жиҳатлари тўғрисида ахборот берилди.

Давлатимиз раҳбари янги аэропортда ўтказувчанлик қобилиятини 2 баробар ошириб, соатига 8 та самолёт келиш-кетишига имконият яратиш зарурлигини таъкидлади. Терминалнинг қулайликлари, ички ва ташқи қиёфаси бўйича тавсиялар берилди.

ЎзА.

САЙЛОВ — 2024

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Ўзбекистон Экологик партияси номидан «Табиий ресурсларни асраш ва улардан оқилона фойдаланиш – бош мақсадимиз» сарлавҳали мақола эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг.

Фикр

ЭРТАНГИ КУН УЧУН МАСЪУЛЛИК

Маълумки, сайловлар халқ хоҳиш-иродасини демократик тарзда тўғридан-тўғри, ҳеч қандай тўсиқсиз рўёбга чиқарувчи муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир ҳисобланади. Шу боис кейинги даврда янги Ўзбекистонда халқ ҳокимияти, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини таъминлаш ҳамда сайлов тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.



Бунда сайловларни халқаро андозалар асосида уюштириш ва ўтказиш асосий талаб бўлиб, шу мақсадда қатор халқаро ҳужжатларда белгиланган принциплар миллий қонунчилигимизга имплементация қилинганини айтиш зарур. Зеро, ҳозирги вақтда халқаро ҳуқуқнинг принцип ва нормаларини ҳисобга олмасдан, миллий сайлов қонунчилигини ривожлантириш ва сайловларни ўтказишнинг асло имкони йўқ.

Шу ўринда дунё давлатлари томонидан ўтказиб келинаётган бундай сайловлар жараёнида қўлланиб келинаётган халқаро сайлов стандартлари универсал деб аталишини ҳам эслатиб ўтиш жоиз.

Таъкидлаш жоизки, жамиятни жипслаштирувчи омиллардан бири ҳам, инсонлар учун зарурий чораларни белгилашда ҳамжиҳатликни ифодалашнинг бирдан-бир йўли ҳам халқ фикрини, хоҳиш-иродасини овоз бериш орқали аниқлаш ва инобатга олишдир. Бунинг муҳим, самарали жиҳати қарорлар қабул қилишда якка шахслар ёки жамиятнинг баъзи гуруҳлари эмас, балки балоғат ёшидаги ҳар бир инсон бевосита ўз танловини амалга оширади.

Сайловлар овоз бериш йўли билан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва бошқа кўплаб тузилмаларга, бошқарув жараёнларига таъсир этиш воситаси ҳамдир. Сайлов ўтказиш тартиби ва қоидалари ҳар бир давлатнинг Конституциясидан келиб чиқиб белгиланади ҳамда конституциявий ҳуқуқлар доирасида амалга оширилади. Сайлов тизими, жумладан, сайлов тартиби турли кўринишда бўлиши мумкин. Унда аҳоли бевосита қатнашиши ёки уларнинг белгиланган вакилларигина иштирок этиши мумкин.

2

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 16 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 20 сентябрда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда ерга оид муносабатларда тенглик ва шаффофликни таъминлашга, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилишга ҳамда уларни бозор активига айлантиришга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга ижарага олувчи томонидан ижарага олинган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига бўлган ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказишнинг (қайта ижарага беришнинг) ҳуқуқий асосларини белгилаш ҳамда ер участкаларини бериш шартларини янада такомиллаштириш зарурияти юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ва бошқа қонунларига ижарага олувчи томонидан ижарага олинган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига бўлган ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ер участкасидан фойдаланиш мақсадлари ўзгартирилмаган ҳолда бошқа шахсга ўтказилиши (қайта ижарага берилиши) мумкинлигини, шунингдек қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага беришда очиқ электрон танлов ўрнига электрон онлайн-аукционлар жорий этилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Бундан ташқари энг яхши таклифни танлаб олиш йўли билан аниқланадиган йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширувчи жисмоний ва юридик шахсларга ер участкаларини тўғридан-тўғри ижарага беришда ижарага олувчи томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига маблағлар тўланиши назарда тутилмоқда.

Мазкур Қонун ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлашга, шунингдек ер участкаларини ижарага бериш шартларини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5–6, 82-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда, № 7, 432-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 161-модда, № 4, 199-модда, № 8, 469-модда, № 11, 792-модда; 2020 йил, № 9, 540-модда; 2021 йил, № 1, 3-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда; 2022 йил, № 6, 570, 577-моддалар; 2023 йил, № 10, 795-модда, № 11, 919-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **23-модда иккинчи қисмининг 3-бандидаги** «очиқ электрон танлов ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **24-модда**:

иккинчи қисмининг:

1-бандидаги «очиқ электрон танлов» деган сўзлар «электрон онлайн-аукцион» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

(Давоми 2-бетда).

Акс садо

МДҲ саммити: КЎП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ПЛАТФОРМА

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг куни кеча бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида кўп қиррали муносабатларнинг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Президент Шавкат Мирзиёев ушбу саммитдаги нутқида Россиянинг МДҲга раислиги даврида кўп томонлама ҳамкорлик барча йўналишда ривожланганини юқори баҳолаб, бир қатор муҳим ташаббус ва таклифларни илгари сурди. Бу ҳақда Олий Мажлис палаталари вакиллари ўзларининг фикрларини шундай ифода этишди.



4-саҳифага қаранг.

ЙИРИК ГИДРОЭНЕРГЕТИКА ЛОЙИҲАСИ

жаҳон стандартлари асосида амалга оширилмоқда







Мамлакатимизда кейинги йилларда энергетика тармоғининг муҳим қисми ҳисобланган гидроэнергетика соҳасини жадал ривожлантириш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни изчил ошириш, янги экологик тоза ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, бу борада янги ГЭСлар қурилишида замонавий илғор технологиялардан самарали фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда.

Бунёдкорлик

Айни пайтда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 январдаги “Чотқол дарёсида Қуйи Чотқол ГЭС қурилиши” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги Чотқол дарёсининг белгиланган ҳудудида қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилаётир.

Ушбу лойиҳада Ўзбекистонда илк бор жаҳон стандартлари асосида тўғон ҳамда ГЭС биноси яхлит иншоот сифатида қурилиб, 4 та — ҳар бири 22,5 МВт қувватга эга замонавий, юқори самарадор гидроагрегатлар ўрнатилади ҳамда автоматик бошқарув тизими жорий қилинади.

— Гидротехник иншоотнинг ўрнатилган қуввати 90 МВт бўлиб, йиллик ўртача электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 300 млн. кВт-соатга тенг, — дейди “Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Бекзод Амирсаидов. — Бу кўрсаткич, яъни ГЭС қуввати келажакда ўртача 125 минг хонадонни электр энергияси билан таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, унинг тўлиқ ишга туширилиши 81,0 млн. м³ гача табиий газни ҳамда 250 минг тонна кўмирни иқтисод қилиш имкониятини ҳам беради. Иншоот гидрологик режимга таъсир қилмайди ва гидробиологик объектларга зарар етказмайди ҳамда атроф-муҳит ва табиат ўзгаришига таъсир кўрсатмайди. Қолаверса, ГЭС объектига олиб борувчи ҳамда қурилиш ишлари учун муҳим бўлган автотранспорт йўллари барпо этилди. ГЭС фаолияти учун зарурий ҳисобланган очиқ тақсимлаш қурилмаси (ОТҚ) майдонининг ер ишлари тугалланиб, тайёр ҳолатга келтирилди.

2

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2024 йил 10 октябрь

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2-банди:

учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошиси учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қиймати камида 10 миллион АҚШ доллари эквивалентида бўлган, энг яхши таклифни танлаб олиш йўли билан аниқланадиган йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширувчи жисмоний ва юридик шахсларга ер участкаларини ижарага беришда ушбу ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқининг баҳоловчи ташкилот томонидан аниқланадиган бозор қийматига нисбатан коэффициентларда белгиланадиган миқдордаги маблағ ижарага олувчи томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига тўланади. Йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

учинчи – ўн еттинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи – ўн саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қиймати камида 10 миллион АҚШ доллари эквивалентида бўлган, энг яхши таклифни танлаб олиш йўли билан аниқланадиган йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширувчи жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланилади»;

бешинчи – ўн саккизинчи қисмлари тегишинча **олтинчи – ўн тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

олтинчи қисмининг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур шахслар (бундан халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар мустасно) ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқининг баҳоловчи ташкилот томонидан аниқланадиган бозор қийматига нисбатан коэффициентларда белгиланадиган миқдордаги маблағларни Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига тўлаши керак»;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи** ва **саккизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ер участкасига ижара ҳуқуқининг бозор қийматига нисбатан тегишли коэффициентини белгилашда ер участкасининг тупроқ бонитировкаси, маъмурий-ҳудудий тузилиши ва инфратузилма объектлари мавжудлиги инобатга олинади.

Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқининг бозор қийматига нисбатан коэффициентларда белгиланган миқдордаги маблағлар суммаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ер участкасини бериш тўғрисидаги қарорида кўрсатилиши шарт»;

еттинчи – ўн тўққизинчи қисмлари тегишинча **тўққизинчи – йигирма биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

тўққизинчи қисмидаги «иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида» деган сўзлар «иккинчи, тўртинчи ва олтинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн иккинчи қисмидаги «тўққизинчи қисмида» деган сўзлар «ўн учинчи ва ўн тўртинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **ўн тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасига нисбатан ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ушбу Кодекснинг 24^5-моддасида белгиланган тартибда ижарага олувчи томонидан бошқа шахсга ўтказилиши (қайта ижарага берилиши) мумкин»;

ўн тўртинчи – йигирма биринчи қисмлари тегишинча **ўн бешинчи – йигирма иккинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

3) қуйидаги мазмундаги **24^5-модда** билан тўлдирилсин:

«24^5-модда. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасига нисбатан ҳуқуқлар ва мажбуриятларни бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш)

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасининг ижарачиси ижарага олиш шартномаси бўйича ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ер участкасидан асосий фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ҳолда, ер участкасини ижарага олиш шартномаси муддати доирасида бошқа шахсга ўтказиши (қайта ижарага бериши) мумкин, бундан ушбу Кодекс 24-моддасининг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Бунда:

ижарага олувчи ер участкасидан камида уч йил ўзи фойдаланган бўлиши шарт, мазкур муддат ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан ҳисобланади;

юридик шахсларга электрон онлайн-аукцион, очиқ электрон танлов ёки танлов ўтказмасдан давлат органларининг қарорларига кўра тўғридан-тўғри ижарага берилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ва мажбуриятларни бошқа шахсга ўтказишга (қайта ижарага беришга) ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан беш йилдан кейин йўл қўйилади;

ижарага олувчи очиқ электрон танлов натижаларига кўра ижара муддати бўйича тенг тақсимланадиган қўшимча тўловларни ёки электрон онлайн-аукцион натижаларига кўра бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган тўловларни бир йўла тўлаши шарт.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасига нисбатан ҳуқуқлар ва мажбуриятларни бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг қайта ижарага бериш натижасида вужудга келган ижара ҳуқуқи рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ер участкасининг ижарага олувчиси ўзгарганлиги тўғрисидаги ахборот (ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлган ҳужжат илова қилинган ҳолда) тегишли туман (шаҳар) ҳокимлигига электрон тарзда юборилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ижарага олинган ер участкасига нисбатан ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ижарага олувчи томонидан бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш) тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

4) **29-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** «24-моддасининг тўққизинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно» деган сўзлар «24-моддасининг ўн учинчи қисмида ҳамда 24^5-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **30^5-модданинг олтинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Бунда оммавий сервитут мақсадларида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун қонунчиликда белгиланган қурилиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш зарур»;

6) **36-модданинг**:

биринчи қисми:

7-бандидаги «бу қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлишида ифодаланганда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

12-банди чиқариб ташлансин;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

учинчи – саккизинчи қисмлари тегишинча **иккинчи – еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 5-бандларида кўрсатилган ҳолларда тугатиш ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг тақдимномасига кўра, ҳуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тегишинча вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан амалга оширилади. Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини ушбу модда биринчи қисмининг 6 – 11-бандларида кўрсатилган ҳолларда тугатиш ушбу Кодекснинг 38-моддасида белгиланган тартибда суд томонидан амалга оширилади. Жисмоний ва юридик шахслар ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқини, ер участкаларидан доимий ёки вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда кўрсатилган мансабдор шахсларнинг қарорларидан норози бўлган тақдирда, ушбу қарорлар устидан судга шикоят қилиши мумкин»;

бешинчи қисмидаги «Ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 6 – 10, 12, 13-бандларида» деган сўзлар «Ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 6 – 10, 13-бандларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **39-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги 10-банд билан тўлдирилсин:

«10) ер участкасига нисбатан ижара шартномасидаги ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгиланган тартибда бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш)»;

8) **49-модданинг олтинчи қисмидаги** «очиқ электрон танлов» деган сўзлар «электрон онлайн-аукцион» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **53-модданинг иккинчи қисмидаги** «очиқ электрон танлов» деган сўзлар «электрон онлайн-аукцион» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **87-модда**:

учинчи қисмининг:

иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

учинчи – еттинчи хатбошилари тегишинча **иккинчи – олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориладиган ерлар учун қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрни барча ҳолларда барча шахслар томонидан қопланади, бундан жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш ҳоллари мустасно»;

11) **90-модданинг**:

биринчи қисмидаги «шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш» деган сўзлар «ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш, шунингдек ижарага берилган ер участкасига нисбатан ҳуқуқлар ва мажбуриятларни белгиланган тартибда бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми ўн учинчи хатбошисидаги «очиқ электрон танловлар ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Фермер хўжалиги тўғрисида»**ги 602–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган 662–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 9, 248-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 4, 199-модда, № 12, 886-модда; 2020 йил, № 1, 2-модда, № 9, 540-модда, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда) қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **4-модда иккинчи қисмининг иккинчи жумласи** чиқариб ташлансин;

2) **11-модданинг**:

биринчи қисмидаги «очиқ электрон танлов» деган сўзлар «электрон онлайн-аукцион» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «очиқ электрон танлов» деган сўзлар «электрон онлайн-аукцион» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **16-модда биринчи қисмининг**:

бешинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«ихтисослашувни ҳисобга олган ҳолда ва тузилган контрактация шартномалари асосида қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришни мустақил равишда амалга ошириш;

маҳсулотни қайта ишловчи корхоналарни ва ўз маҳсулотлари (ишлари, хизматлари) истеъмолчиларини мустақил равишда танлаш»;

олтинчи – ўн тўққизинчи хатбошилари тегишинча **еттинчи – йигирманчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **йигирманчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига нисбатан ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ер участкасининг асосий мўлжалланган мақсадини сақлаб қолган ҳолда, ижара шартномаси амал қиладиган муддатга бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш)»;

йигирманчи хатбошиси йигирма биринчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 майда қабул қилинган **«Яйловлар тўғрисида»**ги ЎРҚ–538-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 5, 263-модда; 2020 йил, № 9, 540-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800-модда; 2022 йил, № 6, 577-модда) **13-моддасининг иккинчи қисмидаги** «очиқ электрон танлов» деган сўзлар «электрон онлайн-аукцион» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 1 апрелда қабул қилинган **«Деҳқон хўжалиги тўғрисида»**ги ЎРҚ–680-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 286-модда; 2022 йил, № 11, 1061-модда; 2023 йил, № 11, 919-модда) **22-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«деҳқон хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасига нисбатан ҳуқуқлар ва мажбуриятларни ер участкасининг асосий мўлжалланган мақсадини сақлаб қолган ҳолда, белгиланган тартибда бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш)».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 июнда қабул қилинган **«Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида»**ги ЎРҚ–781-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 6, 576-модда) **23-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «(бундан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига бўлган ижара ҳуқуқи мустасно)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 28 ноябрда қабул қилинган **«Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–803-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 11, 1064-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартириш киритилсин:

1) **10-модданинг олтинчи хатбошиси** «ижара ҳуқуқи» деган сўзлардан кейин «шу жумладан ижарага олинган ер участкасига бўлган ҳуқуқлар ва мажбуриятларни бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш) натижасида юзага келадиган ижара ҳуқуқи» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **31-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ер участкасига нисбатан ҳуқуқлар ва мажбуриятларни бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш) натижасида юзага келадиган ижара ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ушбу Қонуннинг 33-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар асос бўлади»;

3) **33-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33-модда. Хусусийлаштирилган ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтишини белгиловчи ҳужжатлар ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Хусусийлаштирилган ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтишини белгиловчи ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

хусусийлаштирилган бўш турган ер участкасининг ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқнинг нотариал тартибда тасдиқланган олди-сотди шартномаси;

хусусийлаштирилган бўш турган ер участкасини ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқни ҳадя этишга оид нотариал тартибда тасдиқланган шартнома;

хусусийлаштирилган бўш турган ер участкасини ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқни айирбошлашга оид нотариал тартибда тасдиқланган шартнома;

хусусийлаштирилган бўш турган ер участкасининг ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқнинг бошқа шахсга рента ҳақи тўланиши шарти билан берилиши назарда тутиладиган, нотариал тартибда тасдиқланган рента шартномаси;

хусусийлаштирилган бўш турган ер участкасини ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқни мерос қилиб олиш ҳуқуқи тўғрисидаги ҳамда эр-хотиннинг умумий мулкида бўлган хусусийлаштирилган бўш турган ер участкасининг тегишли қисмига бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган гувоҳнома;

хусусийлаштирилган ер участкасини унда жойлашган бино ва иншоот билан бирга ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқни юридик шахсларнинг устав фондига (устав капиталига) улуш сифатида бериш тўғрисидаги (агар бу турар жой объекти бўлса, нотариал тартибда тасдиқланган) шартнома;

хусусийлаштирилган ер участкасини унда жойлашган бино ва иншоот билан бирга ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқнинг муассисга қайтариб бериш тўғрисидаги (агар бу турар жой объекти бўлса, нотариал тартибда тасдиқланган) шартнома;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкида бўлган (хусусийлаштирилган), бўш турган ер участкаларини ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқни реализация қилиш бўйича суд қарорларини ва бошқа органларнинг қарорларини ижро этиш мақсадидаги савдолар якунлари тўғрисидаги баённома;

суднинг қарори ёки давлат ижрочисининг қарори ёхуд хусусийлаштирилган бўш турган ер участкасини, ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқни бериш тўғрисида ундирувчи ва қарздор ўртасида тузилган, давлат ижрочиси томонидан тасдиқланган далолатнома».

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ушбу Қонун 1-моддаси 2-бандининг саккизинчи хатбошисида назарда тутилган Йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олиш тартибини ушбу Қонун кучга кирганидан кейин бир ой ичида ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ушбу Қонун 1-моддаси 3-бандининг тўққизинчи хатбошисида назарда тутилган Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ижарага олинган ер участкасига нисбатан ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ижарага олувчи томонидан бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш) тартибини ушбу Қонун кучга кирганидан кейин бир ой ичида ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

9-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 9 октябрь
№ ЎРҚ–973

ЭРТАНГИ КУН УЧУН МАСЪУЛЛИК

1 Бу борада юртимизда сўнгги йилларда дадил қадамлар ташланди. Аввало, сайлов қонунчилиги такомиллаштирилди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида халқаро норма ва стандартларга жавоб берадиган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаси қўйилган эди. Шундан келиб чиқиб, Сайлов кодекси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. У тарқоқ ҳолдаги 5 та қонун ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг сайловларни ташкил этиш ва ўтказишга оид қарор ҳамда йўриқномаларини ўзида мужассамлаштиргани билан ҳам аҳамиятлидир.


Таъкидлаш жоизки, демократия бу — инсонлар ҳуқуқи тенглик асосида таъминланадиган жамиятдир, сайлов ёшига етган ҳар бир шахс сайловда қатнашиши, овоз бериши ёки бермаслиги мумкин. Давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этаётган номзод сиёсий жиҳатдан кучли, ҳар томонлама ўрнак бўла оладиган шахс бўлса, табиийки, сайловчилар шу номзодга овоз беради.

Жорий йил 27 октябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтиши муносабати билан партияларнинг сайловолди дастурларида инсон қадрини улуғлашга доир қатор ташаббуслар илгари сурилаётганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, уларда кейинги беш йилликда фарзандларимизнинг мактабгача таълим билан қамров даражасини 100 фоизга етказиш, педагог ходимларнинг ўртача иш ҳақини 2 баробар ошириш, нодавлат мактабларни кўпайтириш учун қўшимча рағбатларни жорий этиш, қадриятларимизга асосланган бозор иқтисодиёти асосларини мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётда эркин бозор муносабатларини шакллантириш, хусусий мулк дахлсизлиги, эркин ва ҳалол рақобат муносабатларини сўзсиз таъминлаш, аҳолига арзон уй-жойлар тақдим этиш ва қурилиш соҳасида самарали назорат ўрнатиш каби кўплаб вазифалар кўзда тутилган.

Шубҳасиз, ушбу муҳим жараёнда ҳар ким ўзи истаган, мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз орзу-умидлари рўёби учун аниқ ва самарали чора-тадбирларни амалга оширишга ишонган номзод ва партияга овоз беради.

Энг муҳими, халқимиз ўз тақдирига дахлдор ҳеч бир воқеликка лоқайд эмас. Зотан, мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал ўзгаришлар, янги Ўзбекистоннинг маррани баланд олаётгани, қолаверса, бутун жаҳондаги кескин вазият ҳар биримиздан умумий эзгу мақсадларимиз йўлида янада мустаҳкам жипслашишни, эртанги кун учун масъулиятни чуқур ҳис этишни, фаолликни, ғайрат-шижоатни талаб этмоқда. Сайловлардаги иштирокимиз эса бу борадаги ҳаракатларимизнинг ёрқин ифодаси бўла олади.

Азамат МУХТОРОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори,
Республика Маънавият ва маърифат кенгаши аъзоси.



ЙИРИК ГИДРОЭНЕРГЕТИКА ЛОЙИҲАСИ

жаҳон стандартлари асосида амалга оширилмоқда

1 Маълумотларга кўра янги иншоотни 60 ой давомида, яъни 2021 — 2025 йилларда қуриб, эксплуатацияга топшириш режалаштирилган. Мазкур қуриладиган иншоотлар келажакда халқимизга 100 йил давомида хизмат қилади.

Мазкур объектнинг айнан Қуйи Чотқол дарёсида қурилиши режалаштирилгани сабабли мамлакатимиздаги энг йирик сув омбори ҳисобланган Чорвоқ сув омборининг ўртача 65 фоиз гидроресурслари айнан Чотқол дарёсидан оқиб келаётган сувлар ҳисобига шаклланади. Йилига 4 — 4,5 млрд. $м^3$ сув оқиб ўтади. Янги қурилаётган ГЭС йил давомида 11 ой ишлаш имкониятига эга.

ГЭС лойиҳаси қурилишининг муҳим босқичи ҳисобланган — сувни айланиб олиб ўтувчи мураккаб туннель қурилиши якунланди. Бундан кўзланган асосий мақсад Қуйи Чотқол дарёси табиий оқимини туннель орқали ўтказган ҳолда тўғон қурилишини бошлаш ҳамда келгусида эксплуатация жараёнларида ҳам туннель орқали сув йўналишини бошқа томонга йўналтириш имкониятини яратиш ҳисобланади.

Б. Амирсаидовнинг таъкидлашича, қурилиш ишлари доирасида мамлакатимиз ҳамда Марказий Осиёда илк бор янги замонавий технологиялар асосида биринчи марта тўғон конструкцияси босиб зичланган (укатанный) бетонли типда қурилади. Сув омбори ҳажми 6,8 млн. $м^3$ га тенг.

Мазкур типдаги тўғон қурилиши лойиҳани амалга ошириш муддатини 2 баробарга қисқартириш ҳамда сув омбори кунлик сув сарфини самарали бошқариш имконини беради. Натижада мазкур мустаҳкам тўғонда қуриладиган ГЭС кун давомида электр энергиясига талаб кескин ошган даврда (пиковое время), яъни ростловчи қувватларда электр энергияни ишлаб чиқариш имкониятини юзага келтиради. Бетон тўғон баландлиги 60 метр, узунлиги 270 метр, тўғон усти эни 7,5 метрни ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, асосий лойиҳа ишлари “Ўзбекгидроэнерго” АЖ тизимидаги “Гидропроект” АЖ томонидан амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, лойиҳа доирасидаги асосий тўғоннинг техник ечимлари мураккаблиги, геологик жиҳатдан оғирлигини инобатга олиб, лойиҳалаштириш ишларига Туркиянинг “Долсар Инжирининг”, Эроннинг “У СУВ АЛАН” каби жаҳон миқёсидаги компаниялар мутахассислари жалб қилинган.

Қурилиш ишларига 3 мингдан зиёд ишчи-қурувчилар жалб этилган. Ушбу лойиҳа якунига етказилиб, фойдаланишга топширилгандан сўнг 120 дан ортиқ маҳаллий ёш мутахассислар доимий иш ўринлари билан таъминланади.

Дарвоқе, Қуйи Чотқол ГЭС иссиқлик электр станцияларига нисбатан қандай афзалликларга эга, деган саволга ҳам аниқлик киритиб кетсак.

Соҳа мутахассисларининг маълум қилишича, Қуйи Чотқол ГЭС экологик тоза электр энергиясини ишлаб чиқаради, атмосферага зарарли чиқиндилар чиқиши қисқаради. Ишлаб чиқарилаётган электр энергия таннархи нисбатан паст, яъни иссиқлик электр станциялари томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергия нархидан 8 — 10 баробар арзон бўлади.

ГЭС ва унинг асбоб-ускуналарини эксплуатация қилишнинг техник муддати нисбатан узоқ, иссиқлик электр станцияларидан икки баробар кўпроқ муддатга хизмат қилади. Қайта тикланувчи, яъни сув энергияси манбаларидан фойдаланилади.

Умуман, Чотқол дарёсида амалга оширилаётган мазкур йирик гидроэнергетика лойиҳаси нафақат Тошкент вилояти энергетика тизимида муҳим аҳамият касб этади, балки вилоят аҳолисини экологик тоза ҳамда арзон электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш имконини беради.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРНИ АСРАШ ВА УЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ – БОШ МАҚСАДИМИЗ

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ер, сув, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан самарали фойдаланиш соҳасидаги ислоҳотларни жадаллаштириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш каби масалалар экологик хавфсизлик асоси ҳисобланиб, бу масалаларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Экологик партияси ўзининг Сайловолди дастурида аниқ мақсадларни ўз олдига вазифа қилиб қўймоқда.

“Табиат учун бирлашайлик” *шиори остида партиямиз юртимизнинг барқарор ривожланиши, экологик хавфсизлигини таъминлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга йўналтирилган давлат сиёсатини рўёбга чиқариш, экологик масалаларни ҳал этиш нафақат давлатнинг вазифаси, балки жамиятнинг ҳамда ҳар бир фуқаронинг бурчи бўлишига эришиш йўлида аниқ ва амалий таклифларни, ҳаётий ташаббусларни илгари сурмоқда.*

Сув ресурсларини бошқариш: мақсад сари ҳал қилувчи ғоялар ва амалий қадамлар

Жаҳон банкининг таҳлилларига кўра, 2050 йилга бориб Ўзбекистонда **сувга бўлган талаб 59 куб километрдан 62-63 куб километргача ошади** ва мавжуд сув ресурслари сезиларли даражада камаяди. Бундай вазиятда фақат сувдан оқилона фойдаланиш ва тежамкорлик чораларининг ўзи камлик қилади.

Мана шундай мураккаб шароитда энг тўғри ва оқилона ечим — ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги ислоҳотларни жадаллаштириш, бу борада аниқ вазифаларни амалга оширишдир. Ўзбекистон Экологик партияси ўзининг Сайловолди дастурида ушбу йўналишда бир қатор ташаббус ва таклифларни илгари сурмоқда. Мамлакатимизда сув ресурсларидан фойдаланишдаги бугунги реал вазият, мавжуд муаммолардан келиб чиқиб ҳал этилиши зарур бўлган вазифаларни кун тартибига олиб чиқмоқда.

Ўзбекистон Экологик партияси Сайловолди дастурида табиатнинг бебаҳо неъмати бўлган **сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, аҳолининг тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш** ҳамда бу борадаги **мавжуд муаммолар ечими** юзасидан аниқ таклифлар илгари сурилмоқда.

Сув ресурслари, айниқса, ичимлик мақсадларида фойдаланиладиган сув захираларининг тақчиллашиб бориши сувга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш йўли билан **ичимлик суви ресурсларидан оқилона фойдаланиш механизмини яратиш**ни кечиктириб бўлмайдиган вазифа сифатида олдимизга қўймоқда.

Мутахассисларнинг фикрига кўра мамлакатимиз сув ресурсларининг асосий манбаи бўлган **иккита йирик дарё** — Амударё ва Сирдарё оқими ҳозиргидан **15 фоиз**га қисқариши мумкин. Шундай бўлган тақдирда бутун Марказий Осиё бўйича аҳоли жон бошига сув билан таъминланиш даражаси **25 фоиз**га, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги эса **40 фоиз**гача камайиб кетиши эҳтимоли бор.

Сайловолди дастурида сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган қатор ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар олиб бориш таклиф этилмоқда. Жумладан, **янги сув ҳавзаларини барпо этиш ва сувни барқарор бошқариш учун ирригация тизимларини ривожлантириш** чоралари таклиф этилмоқда.

Экопартиянинг **ёмғир сувларидан самарали фойдаланиш** дастурини ишлаб чиқиш, **2025 йилдан қурилиш майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган** уй, бино ва объектларда ёмғир сувларини йиғиш тартибини жорий этиш, **ёмғир сувидан фойдаланишни давлат томонидан рағбатлантириш** механизмлари ва давлат-хусусий шериклик тамойилларини жорий этиш бўйича таклифлари ўта муҳим ҳисобланиб, хорижий давлатлар амалиётида ҳам ёмғир сувларидан самарали фойдаланиш йўлга қўйилган. Жумладан, Туркияда **2 минг квадрат метр**дан ортиқ кўп қаватли уйлар ҳамда янги қурилаётган биноларда **ёмғир сувини йиғиш тартиби** белгиланган. Германиянинг Франкфурт аэропортида **йиғилган ёмғир суви** аэропортнинг кўкаламзорлаштирилган ҳудудларининг **60 фоизи**ни суғориш ва техник сув ўрнини қоплаш имконини беради. Австралияда эса ёмғир суви шаҳарларда **9 фоиз**, шаҳардан ташқарида **63 фоиз** сувга бўлган талабни қондиради.

Маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, юртимиз бўйлаб ёғингарчилик ўртача йиллик ҳажми **186 мм.**ни ташкил этади. Ҳисоб-китобларга кўра **1 квадрат метр** том сатҳидан ўрта ҳисобда **186 литр**га тенг ёмғир сувини тўплаш мумкин.

Агар биз ҳозирда ишлаб чиқариш, уй хўжалиги, маиший, автомобилларни ювиш кабилар мақсадларда сарфланаётган сувни ёғингарчилик суви ҳисобидан қопласак, мамлакат бўйича сезиларли миқдорда тоза ичимлик сувини тежашга эришамиз. Ёмғир сувларини тўплаш одамларнинг сувга бўлган муносабатини ўзгартирибгина қолмай, ҳар бир юртдошимизни сувни тежаш, ёмғир сувларини йиғиб фойдаланишга ундаб, миллионлаб кубометр беҳуда йўқотилаётган қимматбаҳо ресурслардан самарали фойдаланиш маданиятини оширади.

Ҳудудларда **ёмғир сувидан фойдаланган ҳолда кичик яшил майдонлар ва боғлар барпо этиш** ишларини ташкил қилиш ва бунда тураржойлар ва шахсий хўжаликларда **ёмғир сувларини йиғиш ва фойдаланиш қурилмалари билан жиҳозланган** ҳамда ундан фойдаланиб келаётган жисмоний ва юридик шахсларни **рағбатлантириш тизимини** жорий этиш мамлакатда **яшил майдонларни** сезиларли кўпайтиришга, уларни барқарор сақлашга хизмат қилади.

Шунингдек, қор-ёмғир ва сел сувларини йиғиш имконияти мавжуд бўлган ҳудудларда қўшимча сел-сув омборларини ташкил этиш ҳамда **ерларнинг гидрогеологик баҳолаш тизимини илмий асосда қайта ишлаб чиқиш** ҳам, ўз навбатида, ҳаёт учун муҳим бўлган сув ресурсларини муҳофаза қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Юқоридаги ташаббусларни иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқларида сувдан самарали фойдаланишга қаратилган **Миллий дастурни ишлаб чиқиш орқали ҳаётга татбиқ этиш** сув ресурсларидан тизимли равишда оқилона фойдаланиш сиёсатини самарали амалга оширишни таъминлайди.

Бошқа сиёсий партияларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги дастурий вазифаларига, масалан, ЎзЛиДеП Сайловолди дастурига эътиборни қаратадиган бўлсак, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида “Сув тежайдиган технологияларни жорий қилган фермер ва деҳқонлар харажатининг 50 фоизини қоплаб бериш тартибини жорий этиш тартибини ўрнатамиз” деган вазифа илгари сурилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Экологик партияси айнан шу масала қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш ва берилган субсидияни қайтариш тартибида ўз ечимини топгани ҳамда 2022 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган суғориш технологиясини жорий этиш ишларини бажариш харажатлари учун субсидия фақат бир марта Давлат бюджетидан “Agro-subsidiya” ЯАТ орқали ажратилиши белгиланганлиги билан ҳозирда ўта долзарб эмас, деб ҳисоблайди.

Ер ресурслари муҳофазаси ва чўлланишга қарши кураш чораларини кучайтириш

Бугунги кунда **ерларнинг деградацияси, чўлланиш жараёнлари** дунёнинг **юздан ортиқ** мамлакатларига таҳдид солмоқда. Ачинарлиси, бу кўп жиҳатдан инсон омилига боғлиқ бўлиб, табиатдан аёвсиз фойдаланиш оқибатида юзага келган сув ва шамол эрозияси чўлланиш жараёнларини янада тезлаштирмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, республикамиз ҳудудининг **70 фоизи** ёки **31,4 млн. гектар** табиий шўрланишга, қум кўчкилари, чангли бўронлар ва гармселлар тарқалиши таъсирига учраган қуруқчил ва яримқуруқчил майдонлардан иборат. Қарийб **10 млн. гектар** яйловлар тубдан яхшиланишга муҳтож.

Мамлакатимизда тупроқ сифатининг муҳим кўрсаткичи бўлган **тупроқ унумдорлигини ошириш**га йўналтирилган чоралар кўрилишига қарамасдан тупроқ унумдорлиги йилдан-йилга пасайиб бормоқда. Жумладан, республикада ўртача тупроқ унумдорлиги 1991 йилда **58 баллни** ташкил этган бир вақтда ушбу кўрсаткич 2001 йилда **55 балл**, 2021 йилда эса **53,7 балл бўлган.** Шунингдек, ҳозирда суғориладиган ерларнинг қарийб **53,2 фоизи** турли даражада шўрланган, яйловларнинг эса **10,8 фоизи** турли даражада деградацияга учрагани бу борада фаолиятни янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Экологик партияси мамлакатдаги **қишлоқ хўжалигида суғориладиган майдонлардан янада самарали фойдаланиш, фойдаланишдан чиққан ерларни қайта фойдаланишга киритиш** ер ресурсларидан самарали фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлайди. Бунда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун **ерларни экишга тайёрлашда ресурс ва энергия тежамкор, экологияга безарар бўлган “No-TiLL”** (ерга минимал ишлов бериш) каби **инновацион технологияларни кенг жорий этиш** таклифини илгари суради.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири

Ўзбекистон Экологик партияси ўзининг Сайловолди дастурида **атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, озон қатлами емирилиши, “иссиқхона газлари” нормадан ортиқ чиқарилишининг олдини олиш** ва бу борада ташкилий-ҳуқуқий механизмларни аниқ белгилаш мақсадида замонавий халқаро стандартларга жавоб берувчи янги таҳрирдаги **“Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун**ни ишлаб чиқиш ташаббусини илгари суради. Бунда атмосфера ҳавоси ифлосланишига сабаб бўлувчи имтиёзлар бекор қилишнинг ҳуқуқий асосларини ҳам белгилаб ўтиш назарда тутилади.

Инсоният ҳаёти учун энг муҳим омил бўлган атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, унинг сифат кўрсаткичларини экологик нормативларга мослигини таъминлаш ҳам бугунги куннинг глобал муаммоларидан биридир. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши инсон, ўсимлик, ҳайвонот, умуман, жамики тирик мавжудотларга зарарли таъсир кўрсатади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, дунёда ўнтадан тўққиз киши ифлосланган ҳаводан нафас оляпти. Ер юзининг **91 фоиз** аҳолиси ҳавоси ифлосланган ҳудудларда яшамоқда. Ҳар йили **8 млн.** киши ҳавонинг ҳаддан ташқари ифлосланиши натижасида вафот этмоқда. Айниқса, Осиё ва Африка қитъаси мамлакатлари бу кўрсаткич бўйича юқори ўринларда туради.

Сўнгги йилларда атмосфера ҳавоси ифлосланишида антропоген таъсирнинг роли кескин ортиб бормоқда. Ишлаб чиқариш корхоналари, автомобиллар сони кўпайиши атмосфера ҳавосига ташланаётган ташламалар миқдори ортишига сабаб бўлмоқда.

Эколог олимлар хулосаларига кўра, атмосфера ҳавосининг ифлосланишига сабаб бўлувчи омилларни бартараф этиш, аввалambor, **яшил боғ ва “яшил белбоғ”лар яратиш ва экологик тоза транспорт турларидан фойдаланишни рағбатлантириш**, жамоат транспорти жозибадорлигини оширишни талаб этади. Қолаверса, **ёқилғи сифатига эътибор қаратиш, анъанавий углеводород ёқилғиларидан муқобил ёқилғи** турларига ўтиш, **“яшил” энергетикани кенг жорий этиш** тадбирларини амалга ошириш зарур.

Буларнинг ҳаммаси санитария-гигиена ва эстетик жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлиб, шаҳарнинг қурилиш-архитектура комплексига қўшилиб, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда жуда муҳим роль ўйнайди.

Яшил ўсимликлар шаҳарларнинг микроиқлимини ҳам яхшилайди. Дарахтлар иссиқ пайтларда атмосферага кўп миқдордаги сув буғи чиқариб, кундуз кунлари ҳаво намлигини **20 — 30 фоиз**га оширади, ҳароратни бир неча даража пасайтиради.

Шаҳарлардаги яшил бойликларнинг яна бир муҳим ва фойдали хусусияти шуки, улар товуш ва шовқинни **20 фоиз**га ютади, дарахтлар қанчалик зич бўлса, шовқинни шунча кўп ютади.

Шунинг учун ҳам партиямиз **қурилиш мақсадларида дарахтларни ноқонуний кесган тадбиркорларнинг ерга бўлган ҳуқуқини бекор қилиш тартибини жорий қилиш**ни таклиф этмоқда. Чунки айрим қурувчи-тадбиркорлар томонидан уй-жойларни қуришда қонунчилик талабларига риоя қилинмасдан, ноқонуний йўллар билан кўплаб дарахтларни кесиб ташлаш ҳолатлари учрамоқда.

2030 йилдан пойтахт ва йирик шаҳарларда ички ёнув двигателли енгил автомобиллар ҳаракатини, 2035 йилдан эса мамлакатда уларнинг сотилишини тақиқлаш ташаббуси аҳолимиз соғлиғини муҳофаза қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қулай атроф-муҳит яратишда ва мамлакатда экологик тоза транспорт воситаларини ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, атмосфера ҳавоси мусаффолигини таъминлашга хизмат қилувчи **ҳавога чиқарилаётган зарарли газлар миқдорини 2 баробарга камайтириш**, меъёрдан ортиқча ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик учун **компенсация тўловларини 10 баробаргача ошириш** бўйича дастурий вазифаларни амалга ошириш мақсади ҳам партия дастурининг айни бугунги кун учун нақадар аҳамиятли эканини кўрсатади.

Шу билан бирга, партиянинг Сайловолди дастуридаги **қум ва туз бўронлари кўтарилиши хавфи юқори бўлган ҳудудлар хариталарини ишлаб чиқиш,** бу жойларда давлат дастурлари асосида иҳотазорлар, яшил қопламалар барпо этилишига эришиш, **оқова сувларни тозалаш иншоотларини модернизация қилиш ва янгиларини қуриш,** локал оқова сув тозалаш иншоотлари бўлмаган корхоналар фаолиятини **экологик талабларга жавоб берадиган технологиялар жорий этилмагунча тўхтатиш** тартиби жорий этилиши атроф-муҳит ифлосланиши билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олиш ва бартараф этишга хизмат қилади.

Биологик ресурслар муҳофазасида креатив ёндашувлар зарур

Ўзбекистон Экологик партияси томонидан мамлакатимизнинг ўзига хос ноёб биологик хилмахиллиги ишончли сақланишини таъминлаш учун Ўзбекистон **Қизил китобига киритилган ўсимликлардан фойдаланишга ва ёввойи ҳайвонларни ов қилишга муддатсиз мораторий эълон қилиш** юзасидан муҳим таклифлар илгари сурилмоқда.

Ўзбекистон 1995 йил БМТнинг Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги (1992 йил) Конвенциясига қўшилган давлат сифатида ўзига бир қатор, шу жумладан, биологик хилмахиллик ишончли сақланишини таъминлаш мақсадида мавжуд муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни кенгайтириш ва янгиларини ташкил этиш мажбуриятини олган.

Мамлакатимиз ҳудудида 4500 га яқин ёввойи ўсимлик ва 2000 дан зиёд замбуруғ турлари, фаунасида умуртқали ҳайвонларнинг 714 тури, умуртқасиз ҳайвонларнинг эса 15 мингдан ортиқ турлари мавжуд бўлиб, Ўзбекистон Қизил китобига ноёб ва йўқолиб кетиш арафасида бўлган **203 тур**даги ёввойи ҳайвонлар ҳамда **313 тур**даги ёввойи ўсимликлар киритилган. Таъкидлаш жоиз, сўнгги йилларда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларидан махсус фойдаланиш мақсадида уларни табиатдан олиш учун квота миқдори талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда кўпайиб бормоқда. Зеро, ушбу ҳолат айрим ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари учун улар генофонди сақлаб қолинишида хавфларни келтириб чиқармоқда.

Қизил китобга киритилган ёввойи ҳайвонларни муҳофаза қилиш масалаларида, шу жумладан, ноёб ҳайвон турларини табиатдан ажратиб олиш, хусусан, овлашга квоталар берилишида камчиликлар мавжуд. Хусусан Қизил китобга киритилган қўнғир айиқ, Марказий Осиё чўл тошбақаси, жайрон каби ҳайвонлар тартибсиз равишда табиатдан олинмоқда.

Шу ўринда айтиш керакки, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида Қизил китобга киритилган ёввойи ҳайвонларни овлаш учун рухсатнома беришга беш йил муддатга мораторий эълон қилиш ғояси илгари сурилмоқда. Ўзбекистон Экологик партияси Қизил китобга киритилган ўсимликлардан фойдаланишга ва ёввойи ҳайвонларни ов қилиш муддатли, яъни беш йилга, муддатли мораторий эълон қилиш самара бермайди, деб ҳисоблайди ҳамда уни муддатсиз қилиб белгилаш лозимлигини қатъий таъкидлайди.

Партиямиз бугунги кунда ёши катта дарахт ва буталарни бошқа жойга кўчириб ўтқазиш оқибатида улар шикастлантирилиши ва қуриб қолиши ҳолатларининг ошиб бораётганини ҳисобга олиб, **10 ёшдан катта дарахтларни кўчириб ўтқазишни тақиқлаш,** шунингдек, ўраб олинган қурилиш майдонларидаги дарахтлар турли усулларда қасддан қуритилаётганини, қурилиш объектларидаги мавжуд кўкариб турган кўп йиллик дарахтларни кесиб ташлаш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида **қурилиш мақсадларида дарахтларни ноқонуний кесган тадбиркорларнинг ерга бўлган ҳуқуқини бекор қилиш тартиби**ни жорий қилиш ва **дарахтзорлар мавжуд бўлган ер майдонларининг қурилиш мақсадларида реализация қилинишини қонун билан тақиқлаш** ташаббусини илгари суради.

Бу, ўз навбатида, аҳоли пунктларининг шундоқ ҳам табиий камайиб бораётган яшил майдонларини сақлаб қолиш ва кўпайтиришга, аҳолининг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилади.



Ўзбекистон Экологик партияси ўзининг Сайловолди дастури билан табиий ресурсларни асраш ва улардан оқилона фойдаланишни бош мақсадларидан бири, деб ҳисоблайди ҳамда она табиатга бефарқ бўлмаган барча фуқароларимизни ушбу эзгу мақсад атрофида бирлашишга чақиради!

Наврўзбек ЮСУПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Ноиба ИНОЯТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод.

ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ПАРТИЯСИ ВА УНИНГ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

МДҲ саммити:

КЎП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ПЛАТФОРМА

1

Баҳодир ТОЖИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси:

— Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Россиянинг мазкур тузилмага раислиги даврида кўп томонлама ҳамкорликнинг барча йўналишида ривожланишга эришилганини юқори баҳолар экан, алоқаларимизнинг истиқболлари билан бевосита боғлиқ бўлган қатор ташаббусларни билдирди.

Жумладан, МДҲ мамлакатлари хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ вазиятга алоҳида эътибор қаратилди. Бу бежиз эмас. Бугун дунё бўйича хавфсизликка таҳдиднинг турли кўринишлари намоён бўлиб турибди. Шу боис МДҲ давлатлари махсус хизматлари ва ваколатли идоралари ўртасида тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш, бу таҳдидларга қарши курашиш усулларини янада такомиллаштириш, кибер-хавфсизликни таъминлаш борасида келишилган чоралар ва дастурий ҳужжатларни қабул қилиш муҳимлиги қайд этилди.



Айни чоғда иқтисодий йўналишдаги ҳамкорликни кучайтириш ҳам бугун ниҳоятда долзарб.

Маълумотларга кўра Ўзбекистоннинг МДҲ мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми жорий йилнинг бошидан буён 16 фоиз ошгани қувонарли, албатта. Аммо МДҲ давлатлари имкониятларини ҳисобга оладиган бўлсак, бу кўрсаткични янада яхшилаш мумкин. Бу эса тармоқ кенгашлари ва қўмиталари фаолиятини фаоллаштиришни талаб этади.

Президентимизнинг келгуси йил баҳорида Тошкент шаҳрида "Иннопром" халқаро саноат кўргазмаси доирасида МДҲ Иқтисодий кенгаши йиғилиши ва Инновацион ривожланиш форумини ўтказиш ташаббуси ҳам ана шу мақсадга йўналтирилгани билан диққатга сазовор.

Манзура САЛИМОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси:



— Сир эмаски, бугун дунёнинг турли минтақаларидаги кескинлашиб бораётган зиддиятлар барча давлатларнинг барқарор ривожланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатяпти. Шундай мураккаб бир вазиятда МДҲ доирасида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва тараққиётга эришиш йўлида биргаликда курашиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

Мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ бир қатор таклифларни ўртага ташлади. Улар барча аъзо давлатлар манфаатларига бирдек мос келиши билан ҳам катта аҳамиятга эга.

Мажлисда гуманитар алмашинувни кенгайтириш мақсадида Ҳамдўстлик давлатлари маданияти кунларини ўтказиш таклиф қилинди. Бу, ўз навбатида, соғлиқни сақлаш, таълим, санъат, кино, туризм ва спорт соҳаларида алоқалар янги босқичга кўтарилишини англатади.

Умуман, МДҲ давлатлари етакчиларининг бу галги учрашувида асосий натижалар сарҳисоб қилиниши баробарида, кўп томонлама ҳамкорлигимизнинг аниқ истиқболлари белгилаб олиндики, бу барча аъзо мамлакатлар учун бирдек манфаатлидир.

Анвар ТЎЙЧИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзоси:



— Охирги йилларда Ўзбекистон МДҲ доирасидаги фаолиятини сезиларли даражада фаоллаштирди. Буни мамлакатимизнинг сўнгги етти йилда аввал имзоланган 24 та кўп томонлама ҳужжатга, МДҲ олий органларининг 22 та қарори ва 20 дан зиёд соҳавий ҳамкорлик органларига қўшилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Яна бир маълумот. Шу пайтгача ҳам мамлакатимиз етакчиси томонидан Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисларида ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган 90 дан ортиқ турли таклифлар илгари сурилган бўлиб, уларнинг ўз вақтида ва тўла амалга оширилишини таъминлаш мақсадида "йўл хариталари" қабул қилинди. Эътиборлиси шундаки, ҳозирга қадар ана шу ташаббусларнинг 80 дан ортиғи ҳаётий рўёбини топди.

Шу саъй-ҳаракатлар натижаларда ҳам намоён бўлмоқда. Масалан, сўнгги ойларда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан бўлган ҳамкорлар билан 800 дан ортиқ янги корхоналар ишга туширилди. Мамлакатимизнинг МДҲ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси жорий йилнинг етти ойида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 15 фоиздан ортиқ ўсиб, 15 миллиард доллардан ошгани ҳам эътиборга молик.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Москвада бўлиб ўтган саммитида Президентимиз томонидан алоқаларимизни янада кенгайтиришга қаратилган кўплаб янги ташаббуслар илгари сурилди. Айни чоғда мамлакатларимиз ҳамда халқларимиз фаровонлигига йўналтирилган муҳим қарорлар қабул қилинди.

Ишонамизки, ушбу ташаббус ва қарорлар МДҲ ўртасида барча соҳадаги ҳамкорликни янги босқичга кўтариш ва пировардида биргаликда тараққиётга эришмоғимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— МДҲ Ўзбекистон учун шунчаки мулоқот, фикр алмашиш ва қарашларни солиштириш майдони эмас, балки устувор соҳада амалий ҳамкорлик қилишнинг ғоят муҳим институти ҳисобланади.

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг Ҳамдўстлик ишидаги иштироки фаоллашди. Президентимиз саъй-ҳаракати билан МДҲда янги ишонч муҳити яратилди. Бугунги кунда Ўзбекистон МДҲ доирасида барча соҳада ҳамкорликнинг ижобий динамикасини таъминлаб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштироки ва илгари сурган долзарб ва аниқ таклифлари, шубҳасиз, мамлакатларимиз ҳамда халқларимиз фаровонлиги йўлида МДҲ маконида кўп томонлама муносабатлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Бинобарин, мазкур анжуманда ҳамкорликнинг иқтисодий йўналишида биргаликдаги фаолиятни кучайтириш устувор вазифа экани қайд этилиб, МДҲ тармоқ кенгашлари ва қўмиталари фаолиятини фаоллаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг келгуси йил баҳорида Тошкент шаҳрида "Иннопром" халқаро саноат кўргазмаси доирасида МДҲ Иқтисодий кенгаши йиғилиши ва Инновацион ривожланиш форумини ўтказиш таклифи янги истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Бу эса мамлакатларимизнинг инновацион салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш ва саноат кооперациясининг янги шаклларини, энг аввало, юқори технологиялар соҳасида ривожлантиришга туртки бўлади.

Президентимизнинг МДҲ саммитидаги нутқи кўплаб эзгу мақсадларни кўзлагани билан муҳим аҳамиятга эга. Унинг якунида МДҲ доирасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича қабул қилинган бир қатор битим ва қарорлар Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиши ва халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Дилрабо ХОЛБОЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— Сўнгги йилларда МДҲ тузилмасига аъзо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик янада кенгайиб, янги босқичга чиқмоқда. Хусусан, ўтган даврда Ўзбекистоннинг Ҳамдўстлик ишидаги иштироки фаоллашди. Мамлакатимиз МДҲнинг тармоқлар бўйича ҳамкорликнинг 20 дан ортиқ органларига қўшилди, 70 га яқин тузилмаси фаолиятида тўлиқ қатнашиб келмоқда.

Эътиборлиси, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган муҳим ташаббуслар Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланиб, рўёбга чиқарилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев яхши қўшничилик, кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун ташкилотнинг олий мукофоти — МДҲ Фахрий нишони билан тақдирлангани ҳам фикримиз исботидир.

Куни кеча Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида ҳам давлатимиз раҳбари томонидан бир қатор таклифлар илгари сурилди. Жумладан, МДҲ мамлакатлари экспертлари ва таҳлилчиларининг учрашувларини мунтазам уюштириш ҳамда навбатдаги конференцияни Самарқанд шаҳрида сунъий интеллектни ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказиш таклиф этилди.

Биламизки, ҳар бир соҳа ривожида эксперт ва таҳлилчиларнинг фикр-мулоҳазалари, олиб бораётган тадқиқотлари муҳим ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан айтганда, улар иштирокида турли анжуманлар ўтказиш кўзда тутилаётгани, албатта, ўзаро тажриба алмашиш, қизғин фикрлашишга кенг платформа яратади.

Қолаверса, сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш ва уларни кенг қўллаш орқали рақамли маълумотлардан фойдаланиш имкониятини ошириш, соҳада малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда креатив иқтисодиёт, "яшил" энергетикани ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Зулайҳо АКРАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида илгари сурилган таклифлар нафақат ташкилотнинг мақомини янада ошириш, балки бугунги кун ва истиқболда унга аъзо мамлакатлар аҳолисининг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш орқали ижтимоий барқарорликни сақлашга йўналтирилганини айтиш жоиз.

Бундан бир йил аввал Бишкекда ўтказилган МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида Президентимиз томонидан қатор муҳим таклифлар билдирилган эди. Хусусан, муқобил савдо-логистика йўналишларини шакллантириш, қўшилган қийматнинг қисқа ва янада самарали занжирларини яратиш, мамлакатларимиз иқтисодиётидаги бир-бирини тўлдирадиган захиралардан имкон қадар юқори даражада фойдаланиш, бизнес алоқаларини рағбатлантириш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилганди.

Бу борадаги ҳаракатлар йил давомида амалга оширилгани ҳисобига сезиларли натижаларга эришилганини юртимизнинг МДҲ аъзолари билан ўзаро товар айирбошлаш ҳажми йил бошидан буён 16 фоизга ошгани яққол кўрсатиб турибди.

Бишкек саммитида Ҳамдўстликнинг узоқ муддатли янги кун тартибини ишлаб чиқиш учун мамлакатларнинг етакчи таҳлил марказлари ва экспертлари иштирокида конференция ташкил этиш имкониятини кўриб чиқиш таклиф қилинган эди. Бу борада кўрилган чоралар натижасида яқинда Тошкент МДҲ давлатлари етакчи таҳлилий марказлари конференциясига муваффақиятли равишда мезбонлик қилди.

Эришилган натижалар билан чекланиб қолмай янги лойиҳалар орқали самарадорликни янада оширишга доир таклифлар бугал ҳам билдирилгани диққатга сазовор. Жумладан, Тошкент шаҳрида МДҲ Иқтисодий кенгаши йиғилиши ва Инновацион ривожланиш форумини ўтказиш таклифи илгари сурилгани айни муддао бўлди. Зеро, бу тадбирлар доирасида аъзо мамлакатлар билан соҳадаги ҳамкорлик борасида муҳим натижаларга эришилади, албатта.

Муҳаммад ВАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— Москва саммити янги ташаббуслар ва амалий таклифларга бой бўлганини диққат билан кузатдик. Учрашув асосий натижаларни сарҳисоб қилиш ва Ҳамдўстлик доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг кейинги режаларини белгилаб олиш имконини берди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, гуманитар алмашинувларни кенгайтириш мақсадида Ҳамдўстлик давлатлари маданияти кунларини ўтказиш таклифи МДҲга аъзо мамлакатлар ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Қайд этиш жоиз, МДҲ халқларини умумий маданий-тарихий мерос ҳамда кўплаб гуманитар ришталар боғлаб туради. Бу омиллар бугунги кунда Ҳамдўстликнинг мустаҳкам ва ишончли таянчлари бўлиб қолмоқда. Хусусан, маданий алоқалар жадал ривожланиб боряпти. Бу эса мамлакатимизнинг мазкур бирлашма аъзоси сифатидаги фаол позицияси ҳар томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатдан бойитиш ва мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган муҳим ташаббуслар формат доирасида кенг қўллаб-қувватланиб, амалга оширилаётганини ҳам алоҳида айтиш жоиз. Жумладан, Ўзбекистондаги ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлиги ва бу борадаги халқаро ташаббуслар натижалари эътироф этилиб, 2024 йилда Тошкент шаҳри Ҳамдўстликнинг Ёшлар пойтахти, деб эълон қилинди.

Ўзбекистоннинг ташкилотдаги ташаббускорлиги, аниқ ғоя ва таклифлари унинг ишини жадаллаштирди, МДҲ фаолияти янги мазмун билан бойиди. Давлатлараро муносабатларда принципиал жиҳатдан ўзига хос саҳифа очилди, кенг кўламли ва самарали шерикликни кенгайтириш учун қулай имкониятлар яратилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар қисқа муддатда бутун минтақада уйғун иқтисодий-ижтимоий ривожланишни таъминлаш, ўзаро манфаатли ва ишончли ҳамкорликни, миллатлараро дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда қўл келишига ишончимиз комил.

«Халқ сўзи».

Дунё нигоҳи

Ўзбекистон МДҲ доирасидаги алоқаларни ўзаро манфаатлар асосида ривожлантириш тарафдори

Президент Шавкат Мирзиёев 7-8 октябрь кунлари бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари саммитдаги нутқида, Россиянинг Ҳамдўстликка раислиги якунларини юқори баҳолаш баробарида, МДҲ давлатларининг хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди, шунингдек, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни фаоллаштириш бўйича қатор муҳим таклифларни илгари сурди.

Халқаро экспертлар таъкидига кўра, Ўзбекистон томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар прагматик ва долзарб бўлиб, замонавий чақириқларни олдиндан кўра билишга қаратилган.

Антонио АЛОНСО,
Сан-Пабло университети профессори (Испания):



— Ўзбекистон етакчиси ўз нутқида ҳамкорликнинг иқтисодий жиҳатлари асосий ўринлардан бирини эгаллади. Республиканинг йил бошидан буён МДҲ мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми 16 фоизга ўсгани ва саноат кооперациясининг муваффақиятли намуналари янада ривожланиш учун салмоқли салоҳият мавжудлигини билдиради.

2025 йил баҳорида Тошкент шаҳрида "Иннопром" халқаро саноат кўргазмаси доирасида МДҲ Иқтисодий кенгаши йиғилиши ва Инновацион ривожланиш форумини ўтказиш таклифи Ўзбекистоннинг кооперацияни янада мустаҳкамлаш, креатив ва рақамли ечимларни илгари суриш истагидан далолат беради.

Ўзбекистон Президенти томонидан гуманитар соҳада тилга олинган, таълим, спорт, соғлиқни сақлаш ва санъат жабҳаларида маданий алмашинувларни кенгайтириш, қўшма тадбирлар ўтказишга қаратилган ташаббуслар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шахмат ва футбол бўйича ёшлар жамоалари ўртасида МДҲ очиқ кубоги мусобақаларини ўтказиш бўйича ташаббуслар Ўзбекистон ёшлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга тайёр эканини кўрсатади.

Солиҳ ЙИЛМАЗ,
Россия ва МДҲ мамлакатларини ўрганиш институти директори (Туркия):



— Президент Шавкат Мирзиёевнинг узоқни кўзлаган ва прагматик ташқи сиёсати, принципиал сиёсий иродаси туфайли Ўзбекистон МДҲга аъзо барча давлатлар билан кўп қирали ҳамкорликни жадал ривожлантиришга эришди.

Ўзбекистон раҳбари МДҲнинг жорий саммитида аъзо давлатларнинг хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш бўйича юзага келаётган вазиятга алоҳида эътибор қаратиб, махсус хизматлар ва ваколатли идоралар ўртасида тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш, замонавий муаммоларни ҳал қилиш, хавфсизликни таъминлаш соҳасида мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни кўришни такомиллаштириш муҳимлигини таъкидлади.

Шунингдек, Ўзбекистон раҳбари тузилма доирасидаги ҳамкорликнинг иқтисодий йўналиши устувор вазифа бўлиб келгани ва шундай бўлиб қолишини, бу борадаги ҳамкорликни кучайтириш учун МДҲ тармоқ кенгашлари ва қўмиталари фаолиятини фаоллаштириш зарурлигини билдирди. Алоҳида таъкидлаш керакки, МДҲ давлатлари етакчи таҳлилий марказларининг конференцияси Тошкентда ташкил этилгани ва шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан 2025 йилда Тошкент шаҳрида МДҲ Иқтисодий кенгаши йиғилиши ва Инновацион ривожланиш форумининг ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистоннинг МДҲ доирасидаги узоқ муддатли ҳамкорликнинг янги устувор йўналишлари, хусусан, интернет технологиялари ва "катта маълумотлар" индустриясини ривожлантириш, рақамли ечимларни жадал жорий этиш, креатив иқтисодиёт, "яшил" энергетика ва ядро технологиялари, иқлим муаммолари ва бошқаларни қўллаб-қувватлаш бўйича таклифини ҳам муҳим деб биламан.

Сун ЧЖУАНЧИ,
Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори:



— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тиғиз кун тартибидаги Москва шаҳрида бўлиб ўтган МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисидаги иштироки яна бир муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистон етакчиси ўз нутқида устувор йўналишлар — хавфсизлик, иқтисодиёт, маданий-гуманитар йўналишлардаги ҳамкорликнинг бир қатор долзарб масалаларига алоҳида тўхталди.

Ўзбекистон раҳбари, хусусан, МДҲдаги мавжуд хавфсизлик ҳолатига эътибор қаратиб, Ҳамдўстлик давлатларининг барқарор ривожланишини таъминлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳимлигини таъкидлади.

Ўзбекистон раҳбари тузилма доирасидаги маданий-гуманитар ҳамкорлик ҳақида гапирар экан, соғлиқни сақлаш, таълим, санъат, кино, туризм ва спорт соҳаларини ҳар томонлама қамраб олувчи қўшма тадбирларнинг йиллик дастурини қабул қилишни таклиф этди.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган таклифлар Ўзбекистон МДҲнинг фаол, конструктив ва масъулиятли иштирокчиси эканидан далолат беради. Айнан мана шу жиҳатлар мутаносиблик ва прагматизм билан ажралиб турадиган янги Ўзбекистон ташқи сиёсатига хосдир.

«Дунё» АА.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 12 718 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.25 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6